

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 580-ҳадис

580/1117 - عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَتْ بِي بَوَاسِيرٌ، فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الصَّلَاةِ، فَقَالَ: «صَلِّ قَائِمًا، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا، فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَعَلَى جَنْبٍ».

580.1117. Имрон ибн Хусойн розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Менинг бавосирим* бор эди. Шу боис Набий соллаллоху алайҳи васалламдан намоз ўқиш ҳақида сўрадим. Шунда у зот: **«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб, (бунга ҳам) қодир бўлмасанг, ёнбошлаб»**, дедилар».

* Араб тилидаги «бавосир» сўзи ўзбек тилида «бавосил», «шиш», «ғурра» маъносидаги «гемморой» касаллигини англатади. У катта ҳожат чиқарадиган аъзонинг касаллиги бўлиб, энгашиш ва ўтириб-туришда оғриқ берадиган, баъзан ушбу ҳаракатлар билан ҳолат ёмонлашадиган дарддир (*Маждуддин ал-Фирузободий. Ал-Қомусул муҳит. - Ж. 1. - Байрут: Дорул маърифат, йили кўрсатилмаган. - 372 б*).

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI